Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 27-YANVAR, JUMA, 13 (7942) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Урганч шаҳрида бундан атиги бир неча йил олдин иш бошлаган "Мегасфера" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган 50 турдан зиёд мебеллар ва уй жиҳозларининг турлари кўпайиб, сифати янада яхшиланадиган бўлди.

Фермер — қишлоқда етакчи куч. Бугун баралла овозда шундай дея оламиз. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бермоқда. Фермерларимиз нафақат ҳосилдорликни ошириш, мўл ва сифатли ҳосил яратиш, балки уни қайта ишлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фаоллик кўрсатишаётир.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан Алишер Навоий номли киносаройида янги "Бахт уйи" бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур фильмнинг яратилиши ёш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. "Бахт уйи" фильми драма жанри асосида суратга олинган.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Қашқадарё Вилояти

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРМОҚДА

«Қарши таъмирлаш заводи» МЧЖда шу кунларда иш қизғин. Баҳорги экиш мавсумига қишлоқ хўжалик техникаларини сифатли таъмирлаш мақсадида етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бериляпти.

— 2011 йилда корхонамизда бир миллиард 320 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари Комил Жўраев. — Шунинг 145 миллион сўми соф фойда ҳиссасига тўғри келади. Бунга ишлаб чиқаришга замонавий технологияни киритиш, муҳандис-техник ходимлар ва ишчи-хизматчиларга етарли шарт-шароитлар яратиш туфайли эришилди.

Корхонада 2012 йилда ҳам режа асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу ерда хориж технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли 20 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Айни пайтда корхона жамоаси вилоят қишлоқ мулкдорлари билан ҳамкорликда ишлаш билан бирга қўшни Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари деҳқонларига ҳам қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

СУРАТДА: *уста Акбар Равшанов ва корхона раҳбари Комил Жўраев.*

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сони ўсганини, хусусан, 9,4 мингдан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи "ZiyoNet" электрон ахборот тармоғига уланганини таъкидлади.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ахборот-ресурс марказида "Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоат фонди ҳамда Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган таълим соҳасига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда жамоат ташкилотларининг иштирокига доир семинарда шулар ҳақида сўз борди. Семинарда инновацион технологиялар, таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н.Миродилова, "Шарқ аёли" халқаро жамоат фонди раҳбари С.Турсунбоева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканлари, бадиий ижодиёт, «Баркамол авлод» болалар марказлари, санъат ва спортга ихтисослашган муассасалар, замонавий ахборот-ресурс марказлари барпо этиш имконини бермоқда.

Ўзбекистондаги умумий ўрта таълим мактабларига илғор ахборот-коммуникация технологиялари тобора кенг жорий этилаётгани, «ZiyoNet» жамоат таълим ахборот тармоғидаги ўқув тизимига оид янгиликлар, илғор педагогик ишланмалар, электрон адабиётлар, зарур барча маърифий маълумотлардан кенг фойдаланилаётгани таълим сифатини ошириш, ёш авлод билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ёшлар маънавиятини асраб-авайлаш, уларни ёт ғояларидан ҳимоялашда ушбу маърифий тармоқ алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимиздаги мавжуд жамоат ташкилотларининг салмоқли қисми ўз фаолиятини ёшлар таълим-тарбиясига қаратган. Бу ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, педагогларнинг мазкур йўналишдаги касб малакаси ва маҳоратини изчил юксалтиришга хизмат қилаётир. Жумладан, «Шарқ аёли» халқаро жамоат ташкилотининг бир қатор маърифий, инновацион лойиҳалари рақамли технологияларни жорий этиш, мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, ёшлар иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Семинарда жамоат ташкилотларининг таълимга ахборот технологияларини жорий этишдаги иштирокини янада кучайтириш, бу борада уларнинг тегишли вазирлик ва идоралар, илмий-маърифий, ахборот-ресурс марказлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтиришга оид аниқ вазифалари белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Кунниг муҳим воқеалари

▶ Термиз шаҳрида "Inter Silk Pro" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Замонавий технология билан жиҳозланган мазкур қўшма корхона йилига 660 тоннадан ортиқ пилла хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Корхонада қарийб етмиш киши меҳнат қилмоқда.

▶ **Фарғона вилояти Тошлоқ туманида янги болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўқишни бошлаган 150 нафардан зиёд ўғил-қиз халқ чолғулари, анъанавий чолғу ижрочилиги, фортепьяно, торли чолғулар каби 15 га яқин йўналиш бўйича мусиқа санъати сирасрорини ўрганаётир. Мактабда рассомчилик, театр ва халқ амалий санъати каби йўналишлар ҳам ташкил этилган.**

▶ Кармана туманининг Хўжа Хисрав маҳалласида гўзаллик салони, сартарошхона ҳамда савдо дўконини ўз ичига олган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фаолият бошлади. Бу ерда 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

▶ **"Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичида Когон шаҳридаги 53-марказий милиция таянч пункти танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

Фарғона Вилояти

МУНОСАБАТ

БУНИ ЧИНАКАМ ШАРОИТ ДЕСА БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз молия-банк тизимидаги ижобий ўзгаришлар мамнуният билан қайд этилди.

Президентимиз аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади, дея алоҳида эътироф этдилар.

Ҳақиқатан ҳам, банклар биз тадбиркорларнинг ишончли мададкорига айланди. Буни ўз фаолиятимизда ҳам кўриб турибмиз.

Тўқимачиликка қизиқишим боис бундан икки йил аввал "Тожихон нур" хусусий корхонасини ташкил қилдик. Унда газлама тўқишни йўлга қўйдик. Тўғриси, аввалига ишларимиз унчалик юришмади. Аммо имкониятлар қидиришдан чарчамадик. Ўша пайтларда пойтахтимизда саноат ярмаркаси ўтказилаётган экан. Кўргазмадаги газлама тўқийдиган замонавий технологияни кўриб, излаганимни топдим. Бироқ ушбу дастгоҳнинг қиймати қарийб 50 миллион сўм турарди. Уни сотиб олиш учун бизда маблағ йўқ эди.

Янги дастгоҳнинг баҳосини кўриб бошим қотиб турган бир пайтда ёнгинамдаги "Микрокредитбанк"нинг "5 фоизли микролизинг хизмати" деган рекламасига кўзим тушиб қолди. Буни қарангки, кўргазманинг ўзида банк билан шартнома тузишга муваффақ бўлдик. Тез орада ўзим кўргазмада танлаган дастгоҳдан биттасини корхонамизга келтириб ўрнатишди. Мана буни тадбиркор учун яратилган шароит деса бўлади!

Шундан сўнг ишларимиз жонланиб кетди. Ҳозир цехимизда икки сменада иш ташкил қилинган. Яқинда маҳсулотларимизни четга сотиш бўйича 90 миллион сўмлик экспорт шартномаси туздик. Бу билан банкдан олган кредитларни ҳам қайтариб бўлдик. Янги техника шарофати билан корхонамизда йигирма нафар аёл учун доимий иш ўрни яратилди.

Банк билан ҳамкорликни яна давом эттирмоқчимиз. Шу кунларда болалар кийим-бошларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиряпмиз. Бунинг учун ҳам сармоя зарур. Чет элдан техника олиб берган банкимиз бундай режани инкор қилмаслигига ишончим комил.

Мен бугун орзуимга эришдим – тадбиркор бўлдим. Меҳнатимиз эвазига топаётган даромадимиз орзу-истакларимизни рўёбга чиқаришга етади. Тадбиркор учун бундай имкониятларни мустақиллигимиз, бизни доим қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимиз яратиб берди!

Қаҳрамон МАДАЛИЕВ
Данғара тумани

Тошкент Вилояти

ТОМОРҚА – ХАЗИНА

МУАЛЛИМЛАР БОҒБОНИ, БОҒБОНЛАР МИРИШКОРИ

Дадахўжа Машрабов Паркент туманидаги Ҳисорак қишлоғида яшайди. Кўп йиллардан буён халқ таълими соҳасида фаолият юритади. Билими, дунёқараши кенг, ўқувчиларнинг севимли устози. Таълим беришда ўттиз йиллик катта тажрибаси бор. Хуллас, ёзсангиз, гапирсангиз арзийдиган гап кўп. Аммо ҳозир бу ҳақда эмас, бахтни меҳнатда деб билган домланинг бошқа ибратли иши – томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги тажрибалари ҳақида суҳбатлашмоқчимиз.

Дадахўжа аканинг олти сотих томорқаси бор. Мўъжазгина боғ. Ҳавас қилса арзийди. Ўзиям Паркент тупроғи чўп суқсангиз, мева берадиган ерлар-да. Аммо шуни ҳам кимдир эплайди, кимдир аксинча. Тўғрироғи, кимгадир малол келади. Муаллимнинг боғида эса... Олма, гилос, нок дарахтларидан мўл ҳосил олинмоқда.

Дадахўжа аканинг турмуш ўртоғи Маҳпура опа ва ўғли Отахўжа боғ ишларида ёрдамчи. Отахўжа коллежда ўқийди. Аммо яхшигина боғбон. Падари бузрукворига тортган-да, қизиқади. Отаси билан гилос, олма, шафтоли, бодом кўчатларини етиштиради.

– Ўтган йили етиштирган икки ёшли 450 туп гилос кўчатининг ҳар бир донасини етти минг сўмдан сотиб, қарийб 3 миллион сўмдан зиёд даромад олдик, – дейди у. – Кўчатларни тайёрлашда кўпроқ куртак пайванддан фойдаланаман. Бу усулнинг бир қатор афзалликларини билдим. Куртак пайванд август ойининг охири сентябрнинг бошида қилинади. Бу даврда эса кесиб олинадиган шохлардаги куртаклар яхши пишган бўлади. Шу боис, куртакларнинг кўпи тутиб кетади. Иккинчидан, қаламчалар кам сарфланиб, дарахтлар камроқ яраланади. Учинчидан, эса куртак пайванд қилинган кўчатлар қаламча пайвандга нисбатан тез ривожланади ва серҳосил бўлади.

Дадахўжа ака бозорга кўчат олиб бормайди, кўпчилик харидорлар ўзлари келиб, уйидан олиб кетишади. У уй шароитида гилоснинг "Юрак" ва "Қора кўз" навларини чатиштириб, янги нав яратди. Бу навнинг ҳосили яхши, меваси йирик. Яъни аввалларидан бир дона гилоснинг оғирлиги 9 грамм бўлган бўлса, янги навники 11-12 граммни ташкил этмоқда. Бундай гилос дарахти тўлиқ ҳосилга кирганда сўнг, бир мавсумнинг ўзида 250-300 килограммгача мева беради. Ҳовлига ана шундай кўчатлардан 22 тупи ўтказилган. Ҳозир дарахтлар беш ёшда. Боғбоннинг айтишича, ўтган йили шу гилос дарахтларидан уч миллион сўмга яқин даромад олинган. 2-3 йилдан кейин эса мева дарахтлари тўлиқ ҳосилга киради ва даромад ҳам шунга яраша ошади.

Паркент узумлари билан машҳур. Боғбоннинг ҳовлисига узумнинг қора кишмиш навидан беш туп экилган. Ўтган мавсумда салкам бир тонна ҳосил олишибди. Даромад эса икки ярим миллион сўмдан ошибди.

– Узум сотиб, ортганини майиз қиламиз, – дейди у. Кейин эса майизнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида сўзлаб кетди. – Майизда глюкоза кўп бўлади. Табобатда ҳам майиздан бир қатор хасталикларни даволашда фойдаланилади.

– Ердан унумли фойдаланиш мақсадида боғдаги гилос ва бошқа мевали дарахтлар оралиғидаги қуёш нури тушадиган ерларга помидор, бодринг, бақлажон, кашнич, укроп етиштирамиз, — дейди Маҳпура опа. – Гилос пишиғигача уларни йиғиштириб оламиз. Меваларни ҳам бемалол териб олаверамиз.

Айни кунларда боғбонникига кўчат сўраб келувчилар кўпайиб қолган. Боғбон бу йил 300 туп кўчат тайёрлаган. Сўровчилар кўп. Уларга кўчат қолмади, дейишга истиҳола қилади-да.

Дадахўжа Машрабовни кўпчилик "Муаллимлар боғбони, боғбонлар миришкори" дейди.

– Собиқ ўқувчиларим орасида боғбонлар ҳам бор-да, – дейди муаллим. – Қарийб ўттиз йил мобайнида ёшларга сабоқ бердим. Шу касбдан бахтимни топдим. Муаллимлик менга меҳнатни, изланишни ўргатди. Томорқадан олинаётган даромад эса оиламиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлигига хизмат қилмоқда.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

МАМЛАКАТИМИЗДА ВИРУСЛИ ГЕПАТИТНИНГ В ТУРИГА ҚАРШИ ЭМЛАШ ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларни такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминлашда Юртбошимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Республикамизда юқумли касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида аҳоли ўртасида юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазият барқарорлиги таъминланмоқда. Сўнгги йилларда ўта хавфли юқумли касалликлар саналган полиомиелит, дифтерия, қоқшол касалликларининг умуман қайд этилмагани, сариқ, қизамиқ, қизилча, кўкйўтал, тепки каби юқумли хасталикларнинг кескин камайиши бунинг яққол исботидир.

Мутахассисларнинг қайд этишича, гепатитнинг В тури ўткир юқумли касаллик бўлиб, инсон организмида жигар фаолиятининг бузилиши оқибатида церроз ва ўсма касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу касалликнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда 2009 йилдан буён болалар анъанавий тарзда эмланмоқда.

— 8-9 ёшли болаларни вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш уларнинг иммунитетини янада мустаҳкамлаш ва касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Республика Давлат санитария эпидемиология хизмати матбуот маркази раҳбари Нуриддин Тошбоев. — Бу борада олиб борилаётган ишлар натижасида 1990 йилдаги вирусли гепатит касалликлари билан хасталаниш кўрсаткичи 8,2 мартага камайган. Айниқса, 2011 йилда болалар орасида бу кўрсаткичнинг аввалги йилларга нисбатан 25 фоизга пасайиши йигирма йил давомида олиб борилган ишларнинг самарасидир. Айни шу кунларда олиб борилаётган эмлаш тадбирлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва юқоридаги кўрсаткичларни янада яхшилашга хизмат қилади.

Эмлаш ҳафталигини юқори даражада ташкил этиш мақсадида барча ҳудудларда жойлашган тиббий муассасаларнинг врач ва ҳамширалари махсус тиббий тайёргарликдан ўтди. Ҳозирда республикамиз бўйича ташкил этилган 9636 га яқин эмлаш бригадаси, 5600 та эмлаш пунктида 10 минг шифокор, 19 минг нафардан зиёд эмлаш патронаж ҳамшираси ҳамда мактаб ва меҳрибонлик уйлари ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

— Поликлиникамиз 23 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Нилуфар Қувноқова. — Ҳудудимизда жойлашган 3 та мактабда таълим олаётган 900 га яқин ўқувчи эмланиши режалаштирилган бўлиб, эмлаш жараёнларида 3 бригадага бўлинган ўн беш нафар врач ва вакцинаторлар иш олиб бормоқда. Бу гуруҳлар болаларни тиббий кўрикдан ўтказишда керакли тиббий асбоб-ускуналар ва етарли миқдорда вакциналар билан таъминланган.

Наманган шаҳридаги кўп тармоқли марказий поликлиника педиатри Мафтуна Баҳромова ўқувчилар билан.

Айни пайтда эмлаш жараёнларида нафақат тиббиёт ходимлари, балки, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этмоқда.

— Ўғлим 8 ёшда, — дейди Саида Йўлдошева, — у куни кеча вирусли гепатитнинг В турига қарши эмланди. Бу фарзандларимизни вирусли гепатитнинг оғир асоратларидан сақлаб қолишда энг ишончли восита деб биламан.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, мамлакатимизда 28 январга қадар давом этадиган эмлаш ҳафталигида кўзда тутилган 800 мингдан зиёд 8-9 ёшли болалар гепатитнинг В турига қарши эмланмоқда. Бу каби тадбирлар ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Самарқанд вилояти

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири — бу шубҳасиз, аҳоли бандлигини таъминлашдир. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳар йили мақсадли дастурлар белгиланиб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Ана шу дастур асосида ўтган йили вилоят бўйича 92 мингта иш ўринлари ташкил этилиши белгиланганди. Амалда эса 93 мингдан ортиқроқ иш ўринлари яратилди. Яратилган иш ўринларига биринчи навбатда коллеж битирувчилари, хотин-кизлар, амнистия акти асосида жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларни жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ИШ ЎРНИГА ЭГАЛИК – БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ

— Жорий йилда ҳам мазкур йўналишдаги вазифаларни бажариш учун "Самарқанд вилоятида 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" тасдиқланди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Шарапов. – Бунда, аввало, ҳудудларда аҳоли бандлигининг ҳақиқий ҳолати ҳамда ички имкониятлар ўрганиб чиқилиб, иш ўринларига бўлган эҳтиёж ва талаб аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари 52,6 минг, ташқи меҳнат миграциясидан қайтилиши кутилаётган фуқаролар 24,7 минг нафарни ташкил қилади. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши ва меҳнат ресурсларининг ўсиши ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Умуман, 2012 йилда барча манбалар ҳисобидан 93 минг 427 та, шундан қишлоқ жойларда 77 минг 710 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилди. Биргина янги ишлаб чиқариш объектлари фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжудларини кенгайтириш орқали уч минг 530 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун инвестиция дастури асосида 68 та корхона модернизация қилиниб, янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилади.

Кичик корхоналар сонини ошириш, фаолият юритаётганларини ривожлантириш ҳам янги иш ўринлари яратилишига замин яратади. Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантириш, янгиларини барпо қилиш орқали ўттиз беш мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Иқтисодий ночор, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш ҳисобига 1069 янги иш ўринлари барпо этилади.

Шу билан бирга, дастурда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини ривожлантириш ва янгиларини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, жорий йилда вилоят бўйича 320 та хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, йил давомида 130 та чакана савдо, 48 та сервис шохобчаси, 38 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 36 та умумий овқатланиш корхонаси, 33 та кийим тикиш ва либослар ателъеси, 20 та маиший техникалар устахонаси, 8 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва еттита суратхона ишга туширилади.

Бундан ташқари, дастурда якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ҳисобига ўн бир мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Бу иш ўринларининг 5030 таси хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали барпо этилса, 6363 таси оилавий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бу — уй меҳнати ва касаначилик эканлиги бугун барчага маълум. Дастурда бу йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, ушбу йўналиш бўйича ташкил этилиши белгиланган 15 минг 365 та иш ўринларининг қарийб икки ярим мингтаси меҳнат шартномаси асосида касаначилик, олти мингдан зиёди корхоналар билан пудрат шартномаси асосида касаначилик ва 7022 таси миллий ҳунармандчилик асосида яратилади.

Табиийки, янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларининг фаолиятини кенгайтириш учун маълум маблағ талаб қилинади. Ушбу дастурнинг молиявий таъминоти 694 миллиард 230 миллион сўмни ташкил қилади. Бу маблағнинг 373 миллиард 708 миллион сўми тадбиркорлар ва корхоналар, 317 миллиард сўми тижорат банклари кредитлари ва уч миллиард 522 миллион сўми тўғридан-тўғри киритиладиган инвестициялар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган. Бу дастурнинг амалга ошиши меҳнат бозоридаги вазият кескин бўлган туманларда маҳаллий саноат, кичик бизнес ва тадбиркорлик, уй меҳнати асосидаги касаначилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётда банд бўлганлар улушини тўрт фоизга ошишини таъминлайди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм вилояти

Урганч шаҳрида бундан атиги бир неча йил олдин иш бошлаган "Мегасфера" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган 50 турдан зиёд мебеллар ва уй жиҳозларининг турлари кўпайиб, сифати янада яхшиланадиган бўлди.

«МЕГАСФЕРА» МЕБЕЛЛАРИ

Шу кунларда корхона 118 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция киритилиши ҳисобига модернизация қилиниб, Италиядан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Янги жиҳозлар ўрнатилгач, 10 та янги иш ўрни яратилиб, мебелсозлар сони 50 нафарга етади.

— Бугуннинг талаби ўзгача, мижозларнинг диди баланд, харидорлар талабчан. Улар сотиб олаётган мебеллар ва уй жиҳозларини замонавий кўринишда, юқори сифатли ҳамда имкон қадар арзон бўлишини исташади, — дейди корхона директори Муроджон Ваисов. — Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш тинимсиз изланиш ва ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун шаҳар ва туманларга чиқиб, кишилар талаб-эҳтиёжларини, хоҳиш-истакларини ўрганамиз. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ишни ташкил қиламиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизга талаб катта, буюртмачилар ва харидорларимиз кўп.

Ҳақиқатан ҳам "Мегасфера" корхонасининг Одилбек Собиров, Жалил Аминов, Рамил Раҳматуллин сингари қўли гул усталари томонидан тайёрланаётган барча уй жиҳозлари мижозларга маъқул бўляпти.

Корхона замонавий техника воситалари билан жиҳозлангач, илғорлар сафи кенгайиб, маҳсулот сифатининг янада ошиши турган гап.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро вилояти ▼ ҚЎШМА КОРХОНА

«БУХОРО-БАҲОР» МАҲСУЛОТЛАРИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА

Вобкент туманидаги Қўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 2008 йилдан буён фаолият кўрсатаётган "Бухоро-Баҳор" Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси маҳсулотлари эндиликда ички бозор эҳтиёжларини қондириш баробарида қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Асосан кир ювиш кукуни — сода ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага ўтган даврда қатор янги технологик ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Шу боис, маҳсулот ҳажми ва сифатида сезиларли ижобий ўзгаришлар қўлга киритилди. Тайёр маҳсулотларни 10 хил ҳажм ва кўринишда қадоқлаш имконини берадиган замонавий линияни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Корхонада йилига 12 минг тонна кир ювиш кукуни ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 100 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилишади.

— Корхонамиз учун зарур бўладиган хомашёнинг асосий қисми хорижий давлатлардан келтирилади, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори ўринбосари Сулаймон Орипов. — Жорий йилнинг апрель ойида Когон туманида янги "Бухоро-Лабса" деб номланган завод фаолиятини йўлга қўйишни режалаштириб турибмиз. Бу ерда маҳаллий хомашёлар асосида корхона учун зарур бўладиган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу корхонамизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини янада арзонлаштириш билан бир қаторда 50 та янги иш ўрни яратишга хизмат қилади.

Энг асосийси, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб катта.

СУРАТЛАРДА: *қўшма корхона ишчилари Умид Сатторов ва Умида Аҳмедовалар.*

Ҳамроз АЛИ олган суратлар.

● Реклама ўрнида

«АСАКА» БАНК – ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ МАДАДКОРИ

ASAKA BANK

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда молиявий барқарорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида банклар капиталининг етарлилик даражаси юқори суръатларда сақланиб, кредитлаш кўлами кенгаймоқда. Буни "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

2011 йил мобайнида филиал томонидан амалга оширилган ишлар натижасида банкнинг жами активлари йил бошига нисбатан 36,3 фоизга, кредит портфели 19 фоизга, омонатлар 128,8 фоизга ўсди.

"Асака" банкнинг Тошкент шаҳар филиали 7 та минибанк, 25 та жамғарма касса, 3 та махсус касса, 74 та коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи касса шохобчалари орқали аҳоли ҳамда хўжалик субъектларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йилга назар солар эканмиз, банк фаолиятидан мижозлар мамнунлигини кўрамиз. Биргина "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 40,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ҳозирги кунда банк филиали томонидан асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган сармоялар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтиришга қаратилмоқда. Шу билан бирга, 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмайдиган этиб белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк кассаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди.

Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши тадбиркорларга фаолиятини янада кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, авваламбор, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коллеж битирувчиларининг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш ва уларни иш жойлари билан таъминлаш мақсадида ҳам банк томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. "Асака" банк ва Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўртасида ўқувчиларнинг "Устоз-шогирд" тизими асосида танишув, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида ҳамкорлик ўрнатилган. Мана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, ўтган йилда ушбу коллежнинг 5 нафар битирувчиси ишга қабул қилинди.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ёшлар келажаги учун қилинган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Фармонга асосан, битирувчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун филиал томонидан 15 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида фаол ишлар олиб борилмоқда. 2011 йил мобайнида 73 нафар ёшларга 1424,3 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан 17 нафар ёш оилага 1081 миллион сўм ипотека кредитлари, 47 нафар ёшларга 130 миллион сўм истеъмол кредитлари, 9 нафар ёшларга 213 миллион сўм микрокредитлар берилди.

Юртбошимизнинг 2011 йил 11 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устувор равишда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш тадбиркорларга бўлган алоҳида эътиборнинг намунасидир. Ушбу йўналишда филиал томонидан 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаш мақсадида хориж кредит линияси, яъни Осиё тараққиёт банки маблағи ҳисобидан ҳам кредитлар ажратилмоқда. Ўтган йилда ушбу линия ҳисобидан 112,1 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Филиал томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 4089 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 19 миллион сўмдан зиёд, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 4417 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу эса корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширибгина қолмай, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишида хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Ўтган йилда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк филиали томонидан 1,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгроқ жорий қилиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 356 та терминал ўрнатилди. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 88947 тага етказилди, шунингдек, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 6 та банкомат ва 6 та инфокиоск ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда "иш ҳақи" лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 580 тага етказилди.

Банк филиали томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган банк хизмати турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, амалиётлар тезкорлигини янада ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили " деб эълон қилиниши филиал жамоасини янги изланишларга чорламоқда. Барча мижозларни қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линияларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Нилуфар ҲАМИДОВА

«Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кунни-кун, тунни-тун демасдан, қилган фидокорона меҳнатлари учун фермер ва деҳқонларимизга яна бир бор миннатдорчилик билдириб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан».

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ ВА 2012 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН.

ҲАВАС ВА ҲАРАКАТ САМАРАСИ

Отам узоқ йиллар давомида ширкат хўжалигида агроном бўлиб ишлаган. Отамга ҳавас қилиб, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олдим. 2006 йилда энг ёш фермер сифатида фаолият бошладим.

Шукрки, олти йиллик фаолиятим давомида отамнинг олдида, ҳамкасбларим даврасида ҳам ҳижолат тортмадим. Пахта ва ғалла етиштириш ва тайёрлаш бўйича шартнома режаларини ошириб бажариб, илғорлар сафида келяпман.

Якунланган 2011 йил ҳам хўжалигимиз учун ютуқларга бой бўлди. Галла ҳосилдорлиги 71 центнерга етиб, давлатга дон сотиш режаси 120 фоизга бажарилди. 43,5 гектар майдонга ғўзанинг "Андижон-36" навини эккан эдик. Агротехника талабларига қатъий риоя этишимиз эвазига ҳар гектар ердан 43,1 центнердан ҳосил олдик.

Тайёрлов корхонасига 187,5 тонна пахта етказиб берилди. Шунинг 184 тоннаси биринчи навга қабул қилинди. Атиги 3,5 тонна пахта иккинчи навга ўтди.

Юқори ҳосил юқори даромад манбаи эканлигини ҳар мавсумда кўряпмиз. 2011 йилда ҳар гектар пахта майдонидан 1 миллион 200 минг сўмдан соф фойда кўрдик. Галлачиликда эса ушбу кўрсаткич 400 минг сўмга тўғри келди.

Иш бошлаган йилимизда ихтиёримизда деярли техника йўқ эди. Ҳозир 3 та тракторга, сеялка, культиватор, ОВХ, борона ва омочга эгамиз. Буларнинг ҳаммаси бизга яратиб берилаётган шароит ҳамда меҳнатимиз ҳосиласи. Ахир, мазкур техникаларнинг барчаси лизинг компанияси ва банк кўмагида даламизга келтириб берилди-да.

Отам даламизни кўп айланади. Маслаҳатлар беради. Биз ҳам ўз устимизда ишлашни канда қилмаймиз. Миришкор ва тажрибали фермерларнинг ишларига ҳавас билан қараймиз. Ниятим Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедовдек ихтирочи ва бунёдкор фермер бўлиш. Шу боис, устоз фермернинг хўжалигига бориб, дала ишларини кўп кузатаман. Унинг илғор тажрибаларини ишимда қўллашга интиламан.

Бахромжон МУСАЕВ,
Жалақудуқ туманидаги "Яшасин фахри" фермер хўжалиги раҳбари.

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:

Ўтган беш йил давомида вилоят фермерлари "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси кўмагида **1 минг 431 та** турли русумдаги техника воситаларига эга бўлдилар. Бунинг учун **37 миллиард 616 миллион сўм** маблағ харажат қилинди. Банк ва бошқа молия муассасалари ёрдамида олинган техника воситалари ҳам салмоқлидир. **2012 йили 214** нафар фермер **336 та** трактор, тележка, омоч, культиватор, ОВХ ва бошқа техника воситалари олишга буюртма беришган.

АСАЛАРИЧИЛИК

Болалигимданоқ меҳнаткаш арилар билан ошно бўлганман. Хонадонимизда 30 та асалари оиласи бор эди. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги, жумладан, асаларичиликни янада ривожлантириш борасида берилаётган амалий ёрдамлар эвазига 2006 йили шу йўналишда фермер хўжалиги ташкил этдик.

МИТТИ «МЕҲНАТКАШ»ЛАР ЯРАТАЁТГАН БОЙЛИК

Фермер бўлиб, асалчилик борасида обрў-эътиборга сазовор бўлдим. Вилоят ва республика микёсидаги танловларда иштирок этдим. Асаларичилар иштирокида ўтказилган кўрик-танловда эса ғолибликни қўлга киритдим. Ахир 500 дан зиёд иштирокчи орасида мен етиштирган асал "энг тотли, шифоли" деб баҳоланганди-да.

Отамдан ўрганганимдек, мавсумда бир маротабагина асал оламан. Сабаби, бир томчи асал яратиш учун асалари шундай меҳнат қиладики, уни кузатган одам ҳеч қачон унга ортиқча юкни раво кўрмайди.

Ҳозирда хўжалигимизда 200 асалари оиласи бор. Ўғилларим Илҳомжон, Дилмурод, Иброҳимжонлар билан бамаслаҳат иш тутиб, ҳар йили 100 тадан асалари оиласи қўшишни режалаштиряпмиз.

Асаларидан олинадиган нарсадан чиқит чиқмайди. Масалан, энг сўнгги маҳсулоти бўлган мерва биолабораторияларда энг муҳим ҳомашё сифатида ишлатилади. Муҳтасар айтганда, асаларичилик кони фойда.

Зокиржон САИДОВ,
Булоқбоши туманидаги "Шаҳзодахон Саидова" фермер хўжалиги раҳбари.

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИ:

Ҳозирда вилоятда **75 та** асаларичилик йўналишидаги фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шундан **14 таси 2011 йил**да ташкил этилди. Ўтган йили фермер хўжаликларида **132 тонна** асал етиштирилди. Асаларичиликни ривожлантиришга тижорат банклари томонидан **827 миллион сўм** кредит йўналтирилди.

Фермер — қишлоқда етакчи куч. Бугун баралла овозда шундай дея оламиз. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бермоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати ўзининг истиқболли эканлигини намоён этди. Фермерларимиз нафақат ҳосилдорликни ошириш, мўл ва сифатли ҳосил яратиш, балки уни қайта ишлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фаоллик кўрсатишаётир. Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида фермерликда катта тажриба тўпланган, ҳатто, тажриба мактаблари яратилган.

Айни шу жараёнда қишлоқ мулкдорларининг севимли нашри — "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" газетаси кўмакдош вазифасини ўтамоқда. Бугун айта оламизки, газета — тажрибалар минбарига айланди. Андижонлик фермерларнинг аксарияти газетамиз муштарийси.
Ташаббускор, изланишу интилишдан чарчамайдиган фермерлар, уларнинг илғор тажрибалари, фаолияти хусусида ҳикоя қилувчи "Фермер — қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминловчи куч" саҳифасининг ушбу сонини муштарийларимиз — АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФЕРМЕРЛАРИ фаолиятига бағишладик.

2007 йили 15,5 гектар майдондаги боғ эгаси бўлдик. Ўтган вақт мобайнида миришкор боғбонлар ва соҳибкорлар тажрибасига таяниб, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган боғ яратиш устида ишлаяпман.

БОҒНИ БОҚСАНГ...

Бу борада озми-кўпми натижаларга ҳам эриша бошладим. Ҳатто тажриба учун 4-5 туп "Андижон қораси" токининг устига плёнка тўшаб, май ойининг бошида ҳосилини пиширишга эришдим.

Қўрғонтепа туманидаги "Фурқат боғи" фермер хўжалиги раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Тоҳиржон Аҳмедов боғдорчиликнинг билимдонларидан бири. У боғдорчиликда тамомила янгича йўналиш устида илмий-амалий тажрибалар олиб бориб, муайян натижаларга эришмоқда. У олма, нок кўчатларини пакана ва ярим пакана тарзида парвариш қилиш технологиясини ишлаб чиқди. Бир гектар ерга 28-30 минг тупгача олма кўчати жойланиши ва баландлиги бир метр атрофида бўлиши, иккинчи йилдан бошлаб 50-70 тонна, сўнгра эса 100 тоннагача ҳосил йиғиб-териб олишни исботлаб берди. Бу боғлар тежамкор боғ сифатида ҳам бугунги кун талабларига тўла жавоб беради. Тоҳиржон Аҳмедовга шогирд тушиб, 3 гектар майдонда олмазор ташкил этиш ҳаракатидаман.

Токзорларни олтиариқлик соҳибкорлар технологияси асосида янгилашни ниҳоясига етказяпман. Боғларимиз ҳосил бера бошлади. Шуни ҳисобга олиб 300 тонна мева-узумни сиғдирадиган совиткичхонани куриб, мавсумга тахт қилиб қўйдик.

Иброҳимжон ҚОДИРОВ,
Избоскан туманидаги "Дониёр боғи" фермер хўжалиги раҳбари.

ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

ЧОРВАЧИЛИК

Бундан ўн уч йил муқаддам Шаҳрихон туманидаги собиқ Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалигининг сут-товар фермасини "ким ошди" савдосида ютиб олгандик. Ўшанда бу ерда 170 бош қорамол бор эди. Уларнинг аҳволи ночор, соғин сигирлар кунига 3-4 килограммдангина сут берарди, холос.

НАСЛЧИЛИК — СОҲА РИВОЖИ ПОЙДЕВОРИ

Ишни, энг аввало, чорва наслини яхшилашдан бошладик. Негаки, бунда гап кўп. Биргина мисол, олдинлари жайдари сигирдан олинган бузоқ вазни 18-20 килограммдан ортмасди, суньий қочириш йўлга қўйилгач, ушбу кўрсаткич 30-35 килограммга етди.

2010 йили "Агробанк" мадади билан Голландия селекциясига мансуб 230 бош "Гольштин-фриз" зотли қорамол сотиб олдик. Ҳозирда улар табиий-иқлим шароитимизга мослашиб, бузоқлади. Бузоқларнинг оғирлиги 40 килограмм атрофида. Биринчи лактацияда сигирларнинг ҳар биридан 20-25 килограммгача сут соғиб олинмоқда. Иккинчи лактациядаги сигирларда эса мазкур кўрсаткич 30 килограммдан ортаётир.

Маҳсулдорликнинг ортиши қайта ишлашни ташкил этишга ундади. Хорижий технологияга асосланган ихчам сут заводи қуриб, ишга туширдик. Айни пайтда кунлик қуввати 60 тонна бўлган корхонамизда ўн хилдан зиёд сут маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 60 киши меҳнат қилади. 80 дан зиёд касаначи эса ён-атрофдаги қишлоқлардан сут олиб келиш билан шуғулланмоқда. Бир йил мобайнида сутни қайта ишлаш эвазига 140 миллион сўм соф фойда кўрдик.

Ўтган йили соғувчиларнинг меҳнатини янада енгиллатиш мақсадида Голландиядан сут соғиб оладиган жиҳозлар харид қилдик. Бу технология билан 8 минутда 24 бош сигир бир вақтда соғилмоқда.

Наслчиликни ривожлантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш миқдорини кескин ошириш мумкин эканлигини ўз хўжалигимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Ана шундан келиб чиқиб, яна хориждан қорамоллар сотиб олиш бўйича шартнома тузяпмиз. Ниятимиз яқин вақт ичида фермер хўжалигимизда сут ишлаб чиқариш ҳажмини 20 тоннага етказишдан иборат.

Расулжон ДАВЛАТОВ,
Шаҳрихон туманидаги "Расул-Д" фермер хўжалиги раҳбари.

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:

Сўнгги беш йилда вилоятга Хитой, Польша, Германия, Голландиядан **1544 бош** насли қорамол олиб келинди. Ҳозирда **10 та** чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигида гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Чорва наслини янгилаш ва қайта ишлаш тармоғини яратиш борасидаги ташкилий ишлар давом этмоқда. Наслчиликни ривожлантириш мақсадларига банклар томонидан **15 миллиард 419 миллион сўм**лик маблағ ажратилди.

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИ:

2010-2011 йилларда ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан **100-500 тонна** сиғимга эга бўлган **11 та** совиткичхона фойдаланишга топширилди. Бунинг учун тижорат банклари томонидан фермерларга **1 миллиард 152 миллион сўм** кредит берилди. **2012 йилда** совиткичхоналар тармоғини икки баробарга орттириш кўзда тутилмоқда.

БАЛИҚЧИЛИК

«ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ»ГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

уни кўпайтириш учун имкониятлар ҳам етарли

Ҳукуматимиз томонидан балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги менга куч-қувват бағишлади. Бизнес-режа туздим. Бу ҳақда туман ҳокимлигига мурожаат этдим. 2008 йил январь ойида Сарсонқум массивидан суньий ҳавза учун ер ажратилиб берилди.

Ўша йили 53 гектарли кўлга балиқ чавоқлари ташладик. Кеч кузга бориб меҳнатимиз самара берди — 39 тонна балиқ овлаб, эл дастурхонига тортиқ этдик.

Бир йиллик фаолиятимиз таҳлили шуни кўрсатдики, уруғлик учун она балиқлар парваришини ташкил этиш зарур экан. Шундан келиб чиқиб, алоҳида ҳавза ташкил этиш учун яна туман ҳокимлигига ҳисоб-китобимизни етказдик. У маъқулланиб, 26 гектарли алоҳида уруғлик етиштириш учун суньий ҳавза барпо этдик. 2009 йили етиштирилган балиқ миқдори 50 тоннага етди. Ўтган йилнинг кузида 60 тонна балиқ овладик. Ҳозирда кўлда ўтган йилдан қолган 10 тоннадан зиёд балиқ бор. Муз эриши билан балиқ овлашни бошлаб юборамиз.

Дастлабки йили ҳар гектар сув ҳавзасида 7,3 центнердан балиқ етиштирган эдик. 2011 йилда эса 13,2 центнерга тўғри келди. Яқин вақт мобайнида гектар ҳисобига 20 центнердан балиқ етиштириш борасида режамиз бор.

Балиқчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ташкил этилиши эвазига қишлоғимизда замонавий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган ихтисослашган ошхоналар пайдо бўлди. Ҳозирда 20 та шундай ошхона фаолият кўрсатяпти. Уларнинг ҳар бирида ўртача 10 тадан иш ўрни яратилган. Қишлоғимизнинг Марғилон — Наманган магистрал йўлида жойлашганлиги, балиқчиликнинг ривожланиб бораётганлиги ана шундай хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этишга олиб келди.

"Луқмаи ҳалол" етиштиришга бел боғлаган юртдошларимиз сони ортиб бораётир. Бу билан аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳисса қўшяпмиз.

Муҳиддин ЎРИНОВ,
Улуғнор туманидаги "Олимп кошонаси" фермер хўжалиги раҳбари.

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:

Вилоятда **126 та** балиқчилик фермер хўжалиги мавжуд. Улар ихтиёрида **220 гектар** суньий ҳавза бор. **2011 йилда** мазкур хўжаликларда **292 тонна** балиқ етиштирилди ёки **2010 йил**га нисбатан **96 тонна**га кўпайди. Балиқчиликни ривожлантириш мақсадларига тижорат банклари томонидан **884 миллион сўм** кредит берилди.

ПАРРАНДАЧИЛИК

ХАЗИНАНИНГ ЎЗГИНАСИ

Чорвачилик комплексимиз бор. Бу ерда 176 бош "Швиц" зотли қорамол парваришланяпти. Ҳозирда сигирлардан 15-18 килограммдан сут соғиб олинаётир.

Комплексимизда фойдаланилмаётган ва таъмирталаб бинолар анчагина. Ундан тўла фойдаланиш учун қорамол парвариш қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ҳақда кўп бош қотирдик. Германия техник марказининг республикамиздаги ваколатхонаси ва унинг вилоятимиздаги бўлими ходимлари менинг бу ҳақдаги фикрларимни эшитишгач, қорамолчиликни сақлаб қолган ҳолда паррандачилик билан шуғулланиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтишди.

Комплекс таркибидаги биноларнинг эни, бўйи ва баландлиги парранда парваришлашга қулайлиги таъмирдан сўнг янада яққол кўринди. Хитойдан бино ҳажми ҳисобга олинган ҳолда катаклар олиб келинди. Энергия, сув, барқарор ҳарорат таъминотига оид қўшимча ишлар бажарилди. Айни кунларда хўжалигимизда 50 минг бош парранда бор. Шундан 35 мингтаси тухум бераётир. Кунига мижозларга 30 минг донадан зиёд тухум етказиб бериляпти. Ҳар дона тухумнинг оғирлиги 58-62 граммдан кам эмас. Буни кўрган ва билган ҳамда паррандачилик билан шуғулланаётган кўплаб фермерлар хўжалигимиз тажрибасига астойдил қизиқиш билдиришяпти. Паррандачилик йўналишида 50 киши меҳнат қиляпти. Кузга бориб ишловчилар сони 100 кишидан ортади. Яъни жорий йилда тухум берадиган товуқлар бош сони 100 мингтага етади. Айни вақтда ҳар 18 ойда паррандаларни янгилаб бориш тартибига биноан жўжа боқиш босқичма-босқич йўлга қўйилади. Паррандачилик бежизга етти хазинанинг бири, дейилмайди. Мен буни ўз иш фаолиятимда кўряпман.

Ихтиёр БАДАЛОВ,
Асака туманидаги "Шарқ баҳодири" фермер хўжалиги раҳбари.

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:

Вилоятда **2011 йилда 30 та** паррандачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг сони **143 та**га етказилди. Мазкур фермер хўжаликларида **354 минг** бош парранда парвариш қилинмоқда. Ўтган йили фермерлар истеъмолчиларга **16 миллион дона** тухум етказиб беришди. Ушбу соҳани ривожлантиришга **9 миллиард 334 миллион сўм** кредит ажратилди.

▼ ТАКДИМОТ

«Бахт уйи» фильми ва «Жозиба» китоби

Мустаҳкам оила йили муносабати билан Алишер Навоий номли кино саройида янги — "Бахт уйи" бадиий фильми ва "Жозиба" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

"Бахт уйи" фильми "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан А.Бектурдиев ва F.Эшмуродов сценарийси асосида "Илк-фильм" киностудиясида суратга олинган.

Мазкур фильмнинг яратилиши ёш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

"Бахт уйи" фильми драма жанри асосида суратга олинган. Фильмда Малоҳат ва Малика исмли опа-сингилларнинг орзу-умидлари, ўз бахтини топиш йўлидаги интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Оиланинг тўнғич фарзанди Малоҳат бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолади. Бу фалокатдан сўнг тушкунликка тушган Малоҳатнинг яшашга бўлган қизиқиши сусая боради. Унинг бу ҳолати оила аъзоларини ҳам хавотирга сола бошлайди. Синглиси Малика эса опасининг яна оёққа туриб кетиши учун астойдил ҳаракат қилади. Унга далда бериш, кўнглида умид уйғотишга интилган сингилнинг саъй-ҳаракатлари зоя кетмади. Малоҳат шифокорларнинг кўмаги, оила аъзолари ва яқинларининг ғамхўрлиги туфайли ногиронлар аравачасидан оёққа туриб, соғлиғи тикланди. Натижада оилада яна хотиржамлик барқарор бўлди.

Шунингдек, тақдимотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия (театр ва кино) кенгаши томонидан нашрга тайёрланган "Жозиба" китоби ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Асарда ижодкорларнинг "Дўрмон" боғида ташкил этилган ёш драматурглар семинарида фаол иштирок этган бир гуруҳ қаламкашларнинг пьеса ҳамда киносценарийлари жамланган. Юқорида тилга олинган "Бахт уйи" фильми сценарийси ҳам ушбу семинарда маъқулланган эди.

Наргиза ҲОТАМОВА

ЭҲТИЁТ-ШАРТ

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАНИНГ

Кундалик ҳаётимизни "зангори олов"сиз тасаввур этиш қийин. Ундан тўғри фойдаланиб, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнғин хавфсизлигини таъминлайди.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт ўйнашига бепарво қараш ёнғин келтириб чиқарувчи асосий омиллардан саналади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печка ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Турар-жой биноси томларида хашак, ўтин ва бошқа тез ёнувчи нарсалар сақлаш ҳам хатарли.

Хонадонларда, жамоат жойларида ёнғинга қарши барча эҳтиёт чоралари кўриб қўйилиши зарур. Шундагина биз кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган, оиланинг моддий зарар кўришига барҳам берган бўламиз.

Азимхўжа РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО кичик инспектори.

▼ ФУТБОЛ

«ШЎРТАН» «ЗЕНИТ»ДАН УСТУН КЕЛДИ

Дубайда ўқув-йиғин олиб бораётган Ўзбекистон жамоалари бир қатор кучли клублар билан назорат учрашувларини ўтказмоқда

Ғузорнинг "Шўртан" клуби йиғин доирасида Санкт-Петербургнинг "Зенит" жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришди.

"Шўртан" жамоасидан голларни Клишин ва Раҳмоновлар киритишган. "Зенит"чилардан эса Лукович пеналтидан ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлган.

Эътиборлиси, мазкур учрашув Дубайда ўқув-йиғин машғулотларини ташкил қилган "Зенит" жамоасининг сўнгги ўйини эди. Йиғин давомида Санкт-Петербург шаҳри жамоаси "Шўртан" жамоасидан мағлубиятга учрагунига қадар тўртта назорат учрашуви ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган эди. Жумладан, олимпиячиларимиз "Зенит"чилардан бешта, Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси эса тўртта жавобсиз тўп ўтказиб юборган бўлса, мамлакатимиз чемпиони — "Бунёдкор" 1:2 ҳисобида мағлуб бўлганди.

▼ ТЕННИС

САБИНА ШАРИПОВА СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР УЧУН КУРАШМОҚДА

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида "Australian Open Junior Championships – 2012" халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

Унда иштирок этаётган ҳамюртимиз Сабина Шарипова яккалик баҳслари ичида давра учрашувлари доирасида АҚШ вакили Саманта Кроуфордга қарши кортга чиқиб, 7:5, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Кейинги учрашувни ҳамюртимиз АҚШнинг яна бир вакили Кристе Хардебекка қарши ўтказади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

▼ ШАХМАТ

ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР БАҲСИ

Бухорода беш йилдирки, мунтазам равишда ташкил этиб келинаётган "Камолот" шахмат тахтаси" Республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда энг кучли деб топилган 126 нафар ёш шахматчи иштирок этди. Қатнашчиларнинг умумий сони 200 минг нафардан ошди.

Мусобақа давомида Ўзбекистон шахмат терма жамоаси аъзолари Жўрабек Ҳамроқулов, Нодира Нодиржонова, Сарвиноз Қурбонбоева ва Хулкар Тоҳиржонова ёш шахматчилар учун маҳорат дарсларини ташкил этишди. Мусобақанинг якка баҳсларида мактаб ўқувчиларидан — бухоролик Саидқосим Алиев, Рустам Мансуров, Тўхтамурод Наврўзов, самарқандлик Шаҳноза Турсунова, Қорақалпоғистон Республикаси вакили Аббос Авезамбетов, навоийлик Ситора Сафарова биринчи ўринга сазовор бўлди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида сурхондарёлик Жавлон Умаров, хоразмлик Динора Алибекова, самарқандлик Шаҳло Дилмуҳамедова ғолиб чиқди. Умумжамоа ҳисобида самарқандликлар биринчи, жиззахликлар иккинчи, Сирдарё вилояти шахматчилари учинчи ўринни эгаллади.

Барча ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, диплом, медаль ва рамзий кубоклари топширилди.

Сухроб ШЕРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG'URTA" Суғурта компаниясига тегишли 0002025, 0002026, 0002045, 0002046, 0002061, 0002067, 0002078, 0002079, 0002080, 0002081, 0002083, 0002088, 0002089, 0002108, 0002114, 0002115, 0002116, 0002117, 0002128, 0002130, 0002158, 0002159, 0002001, 0002002, 0002013, 0002127 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Ушбу полислар бўйича компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормайди.

Утерянный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н Ц-1 д. 1 кв-ра № 133, выданный БТИ М.Улугбекского р-на на имя KHWAJA SAYED ABDUL HAMID, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Лисунова-4 д. 10 кв-ра 39, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Косимова Мансура Саидовича, считать недействительным.

"SMART PC" МЧК (ИНН 207023847) иктиёрий равишда тугатилаётганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент ш. Миробод т. Саид Барака кўч. 76-уй. Почта манзили: Тошкент ш. Миробод т. 8 Март кўч. 57-уй.

ООО "PROSYSTEM ENGENIRING" (ИНН 206851356), зарегистрированное ИРСП Яккасарайского р-на г. Ташкента (реестр № 002913-11, 13.03.2007 г.) извещает об уменьшении уставного фонда со 5 100 000 сум до 4 100 000 сум. Тел.: 276-95-46.

ЧФ "MARD-ULUGBEK" (ИНН 203638202), зарегистрированная Отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Юнусабадского р-на г. Ташкента (№ 000771, 27.12.2002 г.) с юридическим адресом: Юнусабад 8 д. 24 кв-ра 10, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 20.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования указанного объявления.

Утерянные кадастровые документы (рег. № 3-378/2003 от 24.09.2003 г.), выданные на имя ДП КЦ "CHARM POYABZAL TA'MINOT", расположенного по адресу: г. Ташкент ул. Бобура д. 6, считать недействительными.

ЧФ "RA ZEBO" (ИНН 202880839), зарегистрированная ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 06-000549, 26.03.2010 г.), расположенная по адресу: г. Ташкент, Сергелийский р-н ул. Нозанин 1-поворот ТДК, сообщает о преобразовании в ООО "RA ZEBO". Тел.: 167-17-00.

Частная торгово-производственная фирма "FAYZ-R" (ИНН 203671124), зарегистрированная решением хокима г. Коканда Ферганской обл. (№ 353/1, 15.08.2001 г.), сообщает о смене фирменного наименования на ЧП "FAYZ-R" и смене почтового адресу на: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Носира д. 95. Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: Ферганская обл. г. Коканд ул. Мукимий д. 38 или г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Носира д. 95.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (реестр № 000653-04, 17.08.2004 й.) "NARGIS-TABASSUM" ХК (ИНН 205200066) тугатилади. Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент ш. ТТЗ-2 мавзеси 31-уй олдидаги бекат савдо дўкони манзили бўйича қабул қилинади: Тел.: 790-59-10.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Юсуф Хос Хожиб д. 18 кв-ра 10, выданный Яккасарайским БТИ на имя Олимова Абдушукура Лапасовича, считать недействительным.

Тошкент вилоятининг Қибрай тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан Абдурахманова Екатерина Николаевна номига Қибрай тумани Байтқўрғон ҚФЙ Нодирабегим кўчаси 91-уй манзили учун берилган ер ва кўчмас мулк кадастр ҳужжатлари шунингдек, уй реаксия ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БУХОРО ВИЛОЯТИ «SHAD SAVDO ZAMIN» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ «ОЧИҚ ТАНЛОВ» САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жондор тумани ҳокимининг 2011 йил 14 сентябрдаги 954, 955, 957, 958, 960-сонли ҳамда 2012 йил 20 январдаги 30-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ўтиш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

№	Объектнинг фаолият тури	Объектнинг ер майдони (м²)	Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўм)	Объектнинг жойлашган манзили
1	2	3	4	5
1	"Сартарошхона"	55	20151	Жондор шаҳар С.Айний кўчаси
2	"Гўзаллик салони"	77	28211	
3	"Савдо дўкони"	60	21983	
4	"Чойхона"	304	111380	
5	"Савдо дўкони"	66	24181	
6	"Гўзаллик салони"	90	32974	
7	"Тикиш цехи"	75	23433	Жондор тумани Навработ ҚФЙ Жўйсафед қишлоғи
8	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
9	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
10	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
11	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
12	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
13	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
14	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	52.5	16403	
15	"Автомобиллар ювиш цехи"	75.0	23433	
16	"Савдо дўкони"	54.0	16872	Жондор тумани Хумдонак ҚФЙ Мадамбой қишлоғи
17	"Савдо дўкони"	54.0	16872	
18	"Тикиш цехи"	54.0	16872	
19	"Тикиш цехи ва интернет кафе"	104.0	32494	
20	"Сартарошхона"	50	15622	
21	"Гўзаллик салони"	50	15622	
22	"Гўшт дўкони"	40	12498	
23	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	60	18746	Жондор тумани Қароли ҚФЙ Хўжаҳайрон қишлоғи
24	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	60	18746	
25	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	60	18746	
26	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	60	18746	
27	"Савдо ва маиший хизмат уйи"	60	18746	
28	"Ун ва ун маҳсулотлари дўкони"	50	15622	
29	"Гўшт дўкони"	55	17184	
30	"Гўзаллик салони"	78	24370	Жондор тумани Ромиш ҚФЙ Оқработ қишлоғи
31	"Савдо дўкони"	60	18746	
32	"Автомобиллар учун мой алмаштириш устахонаси"	60	18746	
33	"Автотеххизмат"	144	44991	
34	"Камера ямаш устахонаси"	60	18746	
35	"Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси"	600	187464	Жондор тумани Пўлоти ҚФЙ Кўча қишлоғи

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 1 йил муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги **МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001** ҳисобрақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 27 февраль куни соат 11-00 да очилади. 2012 йил 27 февраль куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 27 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 5, 12 ,19, 26 март кунлари соат 11-00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ромитан тумани ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11-00 да очилади ва шу куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

МАНЗИЛ: Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уй. **Телефонлар:** 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ № 10

ЛОТ 10-1. Жиззах вилояти Бахмал тумани Музбулоқ ҚФЙ Музбулоқ аҳоли пунктини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 204,34 миллион сўм, ҚҚС билан 245,208 миллион сўм.

ЛОТ 10-2 Жиззах вилояти Бахмал тумани Сангзор ҚФЙ Нуширавон қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 107,652 миллион сўм, ҚҚС билан 129,182 миллион сўм.

ЛОТ 10-3. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Хонимқўрғон ҚФЙ Сарой қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 142,005 миллион сўм, ҚҚС билан 170,406 миллион сўм.

ЛОТ 10-4. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Маданият ҚФЙ Тутли қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 155,371 миллион сўм, ҚҚС билан 186,445 миллион сўм.

ЛОТ 10-5. Жиззах вилояти Фориш туманидаги чақирув пунктини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 518,99 миллион сўм, ҚҚС билан 622,788 миллион сўм.

ЛОТ № 11

ЛОТ 11-1. Жиззах тумани Қўшбармоқ ҚФЙ Қаҳрамон қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 142,904 миллион сўм, ҚҚС билан 171,485 миллион сўм.

ЛОТ 11-2. Жиззах тумани Ҳамзаобод ҚФЙ Олмачи қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 93,549 миллион сўм, ҚҚС билан 112,259 миллион сўм.

ЛОТ 11-3. Жиззах вилояти Янгиобод тумани Хўжамушкент ҚФЙ Феруз қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 134,642 миллион сўм, ҚҚС билан 161,57 миллион сўм.

ЛОТ 11-4. Жиззах вилояти Янгиобод тумани Ҳавотоғ ҚФЙ Кушканд қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 77,88 миллион сўм, ҚҚС билан 93,456 миллион сўм.

ЛОТ 11-5. Жиззах вилояти Янгиобод тумани Ховос ҚФЙ Паркент қишлоғини сув билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 111,998 миллион сўм, ҚҚС билан 134,398 миллион сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012 йил 20 августгача.

Ишларни молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8-372) 222-46-40.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошланғич қиймати 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – **70 000 — 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй, мажлислар зали.

Халқ депутатлари Қарши тумани Кенгаши меҳнат фахрийси

Сайфулла ХАЙРУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 25.06.2007 й.да Гафуров Дилмурод Якубжанович номига берилган К № 789607 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "MONTESSORI-TA'LIM" (ИНН 301839117) Чиланзарского р-на, сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в НОУ "MONTESSORI-TA'LIM" с переходом всех прав и обязательств с ООО "MONTESSORI-TA'LIM" к НОУ "MONTESSORI-TA'LIM". Тел.: 389-55-59.

Утерянный кадастр здания, расположенного по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н ул. Фархадская ка-л Г-9 а д. 17Б (реестр № 1-8/98) принадлежащий Инагамджанову Мумину Алимовичу, считать недействительным.

Утерянный план квартиры по адресу: ул. Шаршара 83 А, выданный Яккасарайским БТИ на имя Батыровой Гузаля Рафиковны, считать недействительным.

ООО "ISHONCH QURILISH INVEST" (ИНН 300595620), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Гавхар 151 А, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 26.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 767-55-51.

"JAVOHIR-JASUR" ХК (ИНН 204483071) ўз устав фондини 1 439 489 сўмдан 689 489 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

ХОАТБ "ALP JAMOL BANK"га 2009 йил 20 сентябрдаги келишув шартномага асосан тегишли бўлган Тошкент ш. М.Улуғбек т. АЛ.Останов кўч. 18-ўй 11 ва 12 хонадонларини 06.02.2001 й.даги 123, 56514 бет ҳамда 123, 56515 бет - сон билан кадастр хизмати томонидан рўйхатга олинган уй-жой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОКОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОКОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58, 743-03-45; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-436) 221-69-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-97) 788-88-54, (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ

Мусаҳҳих: О.ОЧИЛОВ

Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-114, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.30
22916 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5